

«26» июль 2022 йил

Фарғона шаҳар

«Бек юксалиш мақсади» МЧЖ бундан буён матнда «Бажарувчи» деб номланади, ўз Низоми асосида фаолият кўрсатувчи рахбари **Б.Мирзаев** бир томондан ва Сирдарё-Сух ирригация тизимлари хавза бошкармаси хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармаси (бундан буён шартнома матнда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан низомга асосан фаолият кўрсатувчи рахбари **Ф.Исомиддинов** иккинчи томондан ушбу шартномани кўйидаги мақсадларда тузишди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

- 1.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг талабига асосан тўла таъмирлаш ишларини амалга оширади.
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 252 300 000 сўм (Икки юз эллик икки миллион уч юз минг) сўм шундан, ҚҚС тўлови 32 90 8695 сўм 65 тийини ташкил қилади
- 1.3. Куйида кўрсатилган тўла таъмирлаш ишларини бажариб берилади.

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сумма
1	Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш	Услуга	1	252 300 000	252 300 000
	Жами:				252 300 000

2. ХИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ .

2.1. «Буюртмачи» пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. «Буюртмачи» олдиндан 30% микдорда аванс туловини амалга оширади ҳамда 70% тўлиқ хисоб-китобни иш тўлиқ бажарилгандан сўнг 10 кун ичида амалга оширади.

3. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

3.1. «Буюртмачи» шартномада белгиланган тўла таъмир ремонт руйхатга асосан жойида таъмирлаб беришни ўз зиммасига олади.

4. ТОМОНЛАР ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан юборилган вакил, муассаса рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмолқ муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатилгандан сўнг тўлиқ тўла таъмирлаш ишлари амалага ошади.

4.2. «Буюртмачи» шартномада курсатилган махсулотларни сифат талабига жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.

4.3. «Буюртмачи» қабул қилиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқланган ҳолда, «Бажарувчи»га ёзма далолатнома юборади, ҳамда бажарилган тўла таъмирлаш ишлари сифатсиз деб топилган ишни «Бажарувчи»дан қабул қилиб олади.

4.4. «Бажарувчи» «Буюртмачи»га унинг ишонч қоғозида қайд қилинган тўла таъмир ишларини амалга ошириб беради. Агар «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»нинг ишонч қоғозида кўрсатилмаган тўла таъмир ишларини ишонч қоғозида белгиланган микдордан ортиқ таъмирлаган ҳолларда, бу махсулотлар учун «Буюртмачи» томонидан ҳақ тўланмайди.

4.5. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз тўла таъмир ишларини бажарса, бу таъмир ишларини «Бажарувчи»га ҳақ тўланмайди.

4.6. «Бажарувчи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш шартнома имзолангандан сўнг 1 ой муддат ичида амалга оширилади.

5. ЖАРИМАЛАР ҚУЛЛАНИЛИШИ.

5.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

5.2. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га бажарилган тўла таъмирлаш ишларини белгиланган муддатларда учун кечиктирилган хар бир кун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5% микдорида «Буюртмачи»га пеня тўлайди, лекин пеня микдори кечиктирилган ишлар қийматининг 50%дан ошмаслиги керак.

5.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган насос агрегатлар тўла таъмирлаб етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20% микдорида жарима тўлашига сабаб булади.

5.4. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишлари учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% микдорида «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50%дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ «Бажарувчи» томонидан копланди.

6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

6.1 Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги ҳолатларга: фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши сув тошқини, енгин ва бошқа табиий офатлар тегишлидир.

6.2 Тарафлар Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

6.3 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 3 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирларини ёзма равишда огохлантириб, шартнома ижросини бекор қилиши мумкин.

7. ШАРТНОМА МУДДАТИ .

7.1. Шартнома икки нусхада тузилиб тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради.

7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати «31» Декабрь 2022 йилгача.

8. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР .

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хўжалик суди орқали хал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзолаган ҳолда қонуний деб ҳисобланади.

9.ТОМОНЛАР ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ .

«Бажарувчи» «Бек юксалиш мақсади» МЧЖ	«Буюртмачи» ССИТХБ ҳузуридаги НСваЭБ
(етказиб берувчининг номи)	(буюртмачининг номи)
Манзил: _____	Манзил: Фарғона шаҳар Мустақиллик 310 Б
Тел./факс +99899-998-71-81 _____	Тел./факс (8 373) 226-14-55, 226-16-08
х/в: 20208000100447016001	ш/х* 100021860304017042402170008
Банк номи: <u>Фарғона ш. Хабкорбанк АТ банки</u>	бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201737832
МФО: 00965 СТИР: 303 246 577	ОКОНХ 22100
ОКОНХ: _____	Ғазначилик бошқармаси номи: Фарғона вилояти
	бўйича ғазначилик бошқармаси
	ЯҒҚ: 23402000300100001010
	Банкнинг номи: Марказий Банк Тошкент шаҳар Бош
	бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази
	МФО: 00014 Ғазначилик бош СТИРи: 201122919
Раҳбар _____	Раҳбари _____
	Ф.Исomidдинов
	(Ф.И.Ш)

Юрист: Сўф К. Сўфдоқов.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Фарғона НС ва ЭБ бошлиғи
Ф.Исомиддинов

2022 йил давомида бюджетдан ажратилган маблағларни мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш учун Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида бўлган Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани "Қушқонок" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш ишларини бажариш учун харид комиссиясининг 21.07.2022 йилдаги йиғилиш

БАЁННОМАСИ №2

Раислик килувчи:
Иштирок этдилар:

Бошлиқнинг ўринбосари: А.Холиқов
А.Муқимжонов, Р.Сўпиев, А.Набижонов,
А.Акрамов, Ж.Камолов, Х.Абдурахмонов,

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИДАГИ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛА:

2022 йилда бюджетдан ажратилган пул маблағларини мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлашда бошқарма тасарруфида бўлган Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш ишларини бажариш ишлари тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 22 апрел 2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли қонунида кўрсатилган талабларни ижросини таъминлаш мақсадида 08.07.2022 йил куни бошқарма тасарруфида бўлган Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш ишларини бажариш учун товар хом-ашё биржасининг махсус ахборот порталига эълон жойлаштирилган.

Товар (иш.хизмат) номи	Улчов б-ги	Сони	Нархи	Таъмирлаш қиймати	Лот рақами	Эълон жойлаштирилган сана	Эълон тугаш санаси
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш	Хизмат	1	282 006 700	282 006 700	№22110012121222	08.07.2022 й	18.07.2022 й

Шу масала юзасидан бошқармада комиссия раиси А.Холиқов сўзга чиқиб 2022 йилда бошқарма тасарруфидаги насос станциялар билан пахта ва бошоқли дон экилган майдонларни суғориш даврида ўз вақтида сув билан таъминлаш учун бошқарма тасарруфида бўлган Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш ишларини бажариш учун 2022 йил 08 июль куни товар хомашё биржасига №22110012121222 ЛОТ орқали ахборот порталга эълон жойлаштирилган.

Ушбу ахборот порталига жойлаштирилган эълон бўйича бошқарма тасарруфида бўлган Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш ишларини бажариш учун «Бек юксалиш мақсади» МЧЖ, «BRESBEN AUS» МЧЖ тижорат таклифларини тақдим қилишганлигини айтиб ўтди. Юқоридагиларга кўра мажлис:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Бек юксалиш мақсади» МЧЖ, «BRESBEN AUS» МЧЖ бошқарма тасарруфида бўлган Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш ишларини бажариш учун келиб тушган тижорат таклифлари танлов комиссиясига тақдим қилинсин ҳамда йиғилиш хулосаси тайёрлансин.

Йиғилиш раиси бошқарма
бошлиғи ўринбосари:

А.Холиқов

Котиб:

Р.Қаюмов

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси таъминот ишларини ташкиллаш харид комиссиясининг йиғилиши

ХУЛОСАСИ

«21» июль 2022 йил

Фарғона шаҳри.








Харид комиссияси бошқарма тасарруфида бўлган Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш ишларини бажариш учун таклиф қилаётган:

«Бек юксалиш мақсади» МЧЖ,

«BRESBEN AUS» МЧЖларининг тижорат таклифлари харид комиссияси томонидан нархи, иш сифати ҳамда хизматининг сифатлилиги юзасидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, комиссия аъзолари ва комиссия раиси томонидан бошқарма тасарруфида бўлган Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясининг насос агрегатларини тўла таъмирлаш ишларини бажариш учун «Бек юксалиш мақсади» МЧЖ таклиф этаётган хизмат учун шартнома тузиш маъкул деб топилди.

Харид комиссиясининг
раиси:

Аъзолари:

 Холиқов А.
 Абдурахмонов Х.
 Муқимжонов А.
 Супиев Р.
 Акрамов А.
 Набижонов А.
 Камолов Ж.